

УЎК: 613.81/613.84+612.345

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АЛКОГОЛ ИНТОКСИКАЦИЯСИНИНГ БАЧАДОН МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ

Хамроқулова Гуласал Назиовна

Раджабов Ахтам Болтаевич

*Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти анатомия ва
клиник анатомия (ОХТА) кафедраси.*

Тадқиқот мақсади. *Экспериментал усулда моделлаштирилган алкоголь интоксикациясининг бачадон морфологик ва морфометрик кўрсаткичларига таъсирини комплекс баҳолаш.*

Материаллар ва усуллар. Тадқиқот 40 та жинсий етган лаборатор ок зотсиз каламушларда олиб борилган бўлиб, улар икки тенг гуруҳга тақсимланган: назорат гуруҳи (20 та хайвон) ва экспериментал гуруҳ (20 та алкоголь таъсирида бўлган каламушлар). Алкогол интоксикацияси модели 30% этанол еритмаси қўлланилиб, 30 кун давомида яратилган.

Эксперимент даври тугагандан сўнг хайвонлар умумий биоэтик нормаларга мувофиқ тадқиқотдан чиқарилган. Бачадон морфологик ва морфометрик таҳлилга юборилган. Гистологик кесмалар стандарт протокол бўйича тайёрланган ва умумий тузилишини баҳолаш учун гематоксилин-эозин билан, коллаген толаларлар, фиброзланиш даражасини аниқлаш учун Ван-Гизон билан бўялган. Тадқиқот давомида эндометрий, миометрий ва строма ҳолати ҳамда асосий параметрлар миқдорий баҳоланган.

Натижалар. Экспериментал гуруҳ хайвонларида эндометрий, строма элементлари ва миометрий тузилишида аниқ ва кенг қўламли ўзгаришлар аниқланган. Эндометрийнинг бир қаватли устунчасимон эпителий хужайра баландиги пасайган ва уларнинг архитектураси бузилган. Секретор эпителиоцитлар сони камайган, функционал етишиовчилик аломатлари кузатилган ҳамда киприкли эпителиоцитларда дезорганизация ва киприкчаларнинг қисман йўқолиши аниқланган.

Эндометрий стромасида интерстициал шиш, қон томирлар тўлақонлиги ва очик лимфо-гистиоцитар инфильтрация аломатларини кўрсатган, бу эса фиброз жараёнларининг кучайганини курсатади. Ван-Гизон бўяши коллаген толалар миқдорининг ошганлигини тасдиқлайди.

Миометрийда мушак тутумларининг тартибсизлиги, мушак қаватлари калинлигининг турличалиги ва қисман мушак тўқимаси ўрнини бириктирувчи тўқималар эгаллаши кузатилди. Морфометрик таҳлил эндометрий ва миометрий калинлигида назорат гуруҳига нисбатан аниқ ўзгаришларни кўрсатган.

Хулоса. Бир ойлик экспериментал алкоголь интоксикацияси бачадон структурасида муҳим морфологик ва морфометрик бузилишларга олиб келади, шу

15-Dekabr, 2025-yil

жумладан эндометрий эпителийи, унинг строма элементлари ва миометрийга таъсир қилади. Аниқланган ўзгаришлар репродуктив салоҳиятнинг пасайиши мумкинлигини кўрсатади ҳамда бачадоннинг алкогольнинг токсик таъсирига сезгирлигини таъкидлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Jensen T.K., Swan S.H., Skakkebaek N.E. Alcohol and female reproductive health // Human Reproduction Update. — 2014. — Vol. 20, № 2. — P. 191–204.
2. Rachdaoui N., Sarkar D.K. Effects of alcohol on the endocrine system // Reproductive Biology and Endocrinology. — 2017. — Vol. 15. — Art. 26.
3. Rivier C. Alcohol, stress, and the reproductive axis // Progress in Neuro-Psychopharmacology & Biological Psychiatry. — 2016. — Vol. 65. — P. 29–38.

Global
Science
Publication